

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

«МЕНЕЖМЕНТ» кафедраси

«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»

«Менежмент» кафедраси мудири

_____ и.ф.д. Х.С. Мухитдинов

«__» _____ 2014 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Иқтисодиёт» факультети

декани _____ и.ф.д. А.Ф.Хуррамов

5340200-“Менежмент” йўналиши кундузги бўлим IV курс, МЖ–466 гуруҳ талабаси **Рўзиев Рўзали Баходировичнинг** “ Фермер хўжаликларини молиявий ва иқтисодий таҳлил қилиш (қашқадарё вилояти “халқ банки” мисолида) мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Менежмент» (тармоқ ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши битирувчи IV -курс талабаси Рўзиев Р.

ИЛМИЙ РАҲБАР:
А. Рахимов. “Менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки химоядан ўтди
_____ сонли баённома «__» _____ 2014й.

ҚАРШИ – 2014 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ-----

I БОБ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Фермер хўжалиklarини молиявий ва иқтисодий фаолиятининг моҳияти ва мазмуни -----
- 1.2. Фермер хўжалиklarини тижорат банклари томонидан молиялаштиришнинг назарий асослари-----
- 1.3. Фермер хўжалиklarини молиялаштиришнинг бошқа манбалари -----

II БОБ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

- 2.1. Корхонанинг умумий фаолияти таснифи ва хизмат кўрсатиш кўрсаткичлар таҳлили-----
- 2.2. Фермер хўжалиklари учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар ва уларнинг турлари ва қиймати кўрсаткичлар таҳлили-----
- 2.3. Молиялаштиришда мавжуд имтиёзлар ва унинг фермер хўжалиklarини ривожлантиришдаги аҳамияти-----

III БОБ ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ БОРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

- 3.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжалиklarини молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари.-----
- 3.2. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжалиklarини молиявий ва иқтисодий борқарорлигини таъминлаш ва кишлок хўжалигини кредитлаш истиқболлари-----

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР-----

Фойдаланган адабиётлар рўйхати -----

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикасида халқаро иқтисодий муносабатларни яхшилаш талаби моҳиятини очиб бериш мумкинлигини ва зарурлигини белгилайди. Халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг ҳозирги босқичида халқаро ҳисоб-китобларнинг турли шакллари кенг қўллаш учун имкониятлар мавжуд.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида халқ хужалиги тармоқлари, хусусан молия соҳасини кредитлашда тижорат банклари томонидан кредитлар тақдим қилиш жараёнида кредит рискларини олдини олишда банк ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, гаров мулкани баҳолаш, сақлаш, сақланиши устидан мониторинг ўрнатиш, уларнинг бозордаги нархларини ўзгаришини баҳолай оладиган ходимларнинг банкда мавжуд бўлиши бўйича муаммолар мавжуд.

Бундан ташқари кредитлаш механизми етарлича ишлаб чиқилмаганлиги тижорат банкларининг кредит портфелига салбий таъсир қилмоқда. Ҳозирги кунда мижознинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш тизими такомиллашмаганлиги; банк-кредиторнинг ликвидлигини белгилаб берувчи асосий статистик иқтисодий факторларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги; мижознинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш ва бу борада банклар томонидан қарор қабул қилиш жараёни етарли даражада шакллантирилмаганлиги каби муаммолар кредит портфели сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

“Хар қандай банк ўз фаолиятида мавжуд маблағларни энг кам риск асосида жойлаштириб юқори даромад олиш имкониятига эга бўлишни кўзда тутди. Юқори даромад олиш эса ўз навбатида банклар олиб борадиган операцияларнинг риск даражасини оширади, чунки банклар асосан четдан жалб қилинган ресурслар ҳисобига ишлайдилар. Улар бир томондан ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар. Шу сабабли тижорат банклари бошқа хўжалик субъектларига қараганда бир неча баробар юқори риск билан фаолият кўрсатадилар. Ўтган йили банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустаҳкамланмоқда, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. 2013-йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди.

Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000-йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди. Натижада бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир.

Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган

кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир. Кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келмоқда.”¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари туғрисида”ги Фармонида² банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банкларнинг мустақиллигини ошириш, банклар билан уларнинг миқдорлари ўртасидаги ўзаро манфатли шериклик муносабатларини шакллантириш, банк активлари, шу жумладан, кредит портфелини шакллантириш билан боғлиқ рискларни бошқаришни тижорат банки раҳбариятининг ваколатига юклаш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 февралдаги “2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари туғрисида”ги қарорида “банкларнинг капиталлашув даражси пастлиги, банк хизматлари бозорида рақобат мавжуд эмаслиги, банклар ўз капитали билан инвестиция жараёнларида суст қатнашаётганлиги” белгилаб ўтилган.³

Кўриб турганимиздек, мамлакатимиз банк тизимининг ҳозирги амалиётида ўз ечимини кўтаётган бир талай муаммолар мавжуд. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 февралдаги “2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари туғрисида”ги қарорида “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу асосда аҳолини иш билан банд этиш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш; банк-молия тизмида ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва кўламларини кенгайтириш” каби йўналишлар мамлакатимизнинг 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим йўналишларидан бири қилиб белгилаб берилди. Мазкур муҳим йўналишларни амалга ошириш ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилган талабларни ижро қилиш тадқиқот ишида танланган мавзунинг долзарблигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ва халқаро банк амалиётида кредитлаш жараёнида қарор қабул қилишда асосан кредитга лаёқкатли бўлган қарз олувчилар кўриб чиқилади. Бунда маълум бир қарздорни кредитлашда кредит суммасининг лимити қуйидаги молиявий кўрсаткичлар асосида аниқланади: қарздорнинг хусусий капитали (мухторийлик коэффиценти, капиталнинг умумий қарздорликка булган нисбати); қарздорнинг даромадлиги (тушумларнинг рентабеллик коэффиценти, умумий капиталнинг рентабеллик коэффиценти, хусусий капиталнинг рентабеллик коэффиценти); қарздорнинг туловга лаёқатлиги (қоплаш коэффиценти, лаҳзалик ликвидлик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

² Ўзбекистон банк тизимининг ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари туплами. Т., Ўзбекистон, 2000. 61-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги “2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари туғрисида”ги қарори. Т. “Ishonch” газетаси, 2007, №22(2279).

коэффициенти, дебиторлик ва кредиторлик билан боғлиқ бўлган коэффициенти). Кредитга лаёқкатлигини бундай баҳолаш усулида етарлича назарий-методологик ишлаб чиқилмаганлик, математик аппаратнинг сўст ишлатилаши, юқоридаги кўрсаткичлар рейтинги асосида етарлича иқтисодий асослангандир. Ҳолда кредит суммаси лимитини белгилаш каби муаммолар мавжуд.

Шунинг учун халқаро масалалар бўйича илмий ютуқларни ўрганиш ва умумлаштириш катта қизиқиш уйғотади. Халқаро ҳисоб-китоблар ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида вужудга келадиган халқаро иқтисодий муносабатлар намоён бўлишининг асосий шаклидир. Уларнинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг ривожлаган даражасига, республикамиз олиб бораётган пул-кредит ва иқтисодий сиёсатга муайян даражада боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати танлаган ташқи иқтисодий курс экспорт-импорт операцияларини ривожланишининг характери ва йўналишларини белгилайди.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида халқаро ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги, техникаси, мақсади, вазифаси ва ишлатиш шароитларига кўра фарқ қилувчи турли шаклларида фойдаланилмоқда. Уларни халқаро муносабатларнинг бошқа соҳаларидан алоҳида кўриб чиқиш мумкин эмас.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.

Битирув малакавий ишининг мақсади бозор муносабатлари шакллана бораётган шароитда фермер хўжаликларнинг молиявий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларнинг молиявий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат;

- Республикамиз фермер хўжаликларини молиялаштириш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган агроиқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва амалга ошириш жараёнини илмий-амалий жиҳатдан ёритиб бериш;

- Фермер хўжаликларни амалдаги молиялаштириш манбалардан ташқари молиялаштиришнинг бошқа манбаларидан фойдаланиш бўйича бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- Фермер хўжаликларни молиялаштириш ва унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларнинг молиявий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Республикамиз фермер хўжаликларини молиялаштириш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган агроиқтисодий

ислоҳотларнинг моҳияти ва амалга ошириш жараёнини илмий-амалий жиҳатдан ёритиб берилди;

- Фермер хўжаликларни амалдаги молиялаштириш манбалардан ташқари молиялаштиришнинг бошқа манбаларидан фойдаланиш бўйича бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

- Фермер хўжаликларни молиялаштириш ва унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишни бажаришда олинган натижалар қуйидаги мақсадларда қўлланилиши мумкин:

- Қишлоқ хўжалик корхоналарини фолиятини яхшилаш ва уларнинг молиялаштириш ва барқарорлигини таъминлаш жараёнида;

- фермер хўжаликларини ривожлантиришда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда;

- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда;

Битирув малакавий ишнинг таркиби ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва жадвал, расмлардан иборат.

Кириш қисмида. Танланган мавзунинг долзарблиги асосланган. Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти қайд этилган.

Биринчи бобда. Фермер хўжаликларини молиявий ва иқтисодий фаолиятининг моҳияти ва мазмуни, фермер хўжаликларини тижорат банклари томонидан молиялаштиришнинг назарий асослари ва фермер хўжаликларини молиялаштиришнинг бошқа манбалари мазмуни назарий жиҳатда ёритилган.

Иккинчи боб. Корхонанинг умумий фаолияти таснифи ва хизмат кўрсатиш кўрсаткичлар таҳлили, фермер хўжаликлари учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар ва уларнинг турлари ва қиймати кўрсаткичлар таҳлили ва молиялаштиришда мавжуд имтиёзлар ва унинг фермер хўжаликларини ривожлантиришдаги аҳамияти бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Учинчи боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларини молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларини молиявий ва иқтисодий борқарорлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида олиб борилган илмий изланишлар натижаси бўйича олинган хулоса ва таклифлар баён этилган. Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий жиҳатдан баён этилган _____бетдан иборат.

I БОБ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Фермер хўжаликларини молиявий ва иқтисодий фаолиятининг моҳияти ва мазмуни

Молия – кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш ҳамда давлатнинг ўз олдига кўтсган мақсади ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттирувчи тизим. Марказлаштирилган молия деганда давлат бюджети тизими ва ҳукуматнинг бюджетдан ташқари жамғармаларида жамланадиган пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар туши Нильса, марказлаштирилмаган молия корхоналар пул жамғармаларининг доиравий айланиши билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олади.

Молия пул муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади ва шу туфайли унинг иқтисодий тизимдаги роли ва аҳамияти пул муносабатларининг шаклланиш даражасига боғлиқ бўлади. Ўзининг моддий мазмунига кўра, молия мамлакатнинг молиявий ресурсларни ташкил этувчи мақсадли пул маблағлари жамғармасини ифода этади.

Молия:

- товар моддий қийматликларни харит этиш, маҳсулот, иш ва хизматларни реализация қилиш жараёнидаги корхоналар ўртасида;
- марказлашган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан корхоналар билан юқори ташкилотлар ўртасида;
- бюджет тизимига солиқлар тўлаш ва харажатларни молиялаштириш жараёнида корхоналар билан давлат ўртасида;
- тўловларни амалда ошириш ва ресурслар харид этишда корхоналар, уй хўжалиги ва бюджетдан ташқари жамғармалар ўртасида;
- бюджет тизимининг алоҳида бўғинлари ўртасида;
- суғурта ҳолатлари вужудга келганда зарарларни қоплаш ва суғурта тўловларини амалга оширишда корхоналар, уй хўжалиги ва суғурта органлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини акс эттиради;

Пул маблағлари ҳосил бўлишининг асосий моддий манбаи бўлиб мамлакатнинг миллий дорамади – янгитдан яратилган қиймат ёки ялпи ички маҳсулотдан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат қуролларининг чегириб ташланган қисми хизматқилди ва айнан у миллий даромаднинг яратилиши ва ундан фойдаланиш орасида боғловчи бўғин хизматини ўтайди.

Молия ва кредит ўзаро боғланган категориялар бўлиб, улар ёрдамида корхоналарнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида пул жамғармалари доиравий айланиши таъминланади.

Кредит банк тизими ва ихтисослашган молия-кредит муассасалари орқали ссуда жамғармасининг ҳаракатини ифодалайди. Молия-кредит тизимининг тақсимловчи, назорат қилувчи, тартибга солувчи ва барқарорлаштирувчи функциялари мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиясининг моҳияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалигида эр, чорва моллари ва бошқа табиий бойликлардан ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган бўлиб, бу унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқланишига сабаб бўлади. Хусусан, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган эр бошқа асосий воситалар сингари эскирмайди (амортизация қилинмайди) ва шу туфайли маҳсулот таннархини шакллантиришда иштирок этмайди. Шу билан бир вақтда эр участкаларининг табиий унумдорлик даражаси ва жойлашган ўрни қишлоқ хўжалиги корхоналари дифференциал даромад (рента) ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг аҳамиятли қисмини маҳсулотлар ва ишчиҳайвонлар ташкил этади. Аммо, уларни такрор ишлаб чиқариш жараёни бевосита қишлоқ хўжалигининг ўзида амалга оширилади. Эр сингари маҳсулодор чорва молларига нисбатан ҳам амортизация ҳисобланмайди ва у маҳсулот таннархи шаклланишида иштирок этмайди.

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кўпгина хомашё ва материаллар бевосита корхонанинг ўзида яратилади. Яратилган маҳсулотнинг маълум бир қисми (подани тўлдириш учун ёш моллар, уруғлик, чорва моллари учун озиқа, маҳаллий ўғит сифатида гўнг ва бошқа.) реализация қилинмай, корхонанинг ўзида такрор ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун олиб қолинади.

Чорва молларини боқиш ва ўсимликларни парваришлаш ишлаб чиқариш жараёнига авансланган айланма маблағларнинг узок вақт давомида айланишини талаб этади. Ўсимликчиликда у бир йилгача, чорвачиликда эса 9 ойгача давом этади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми йил охирида (асосан чоракда) реализация қилинади ва пул тушумининг бир маромда айланишига имкон бермайди. Бу эса хўжаликнинг якуний молиявий натижаларини фақатгина йил якунига кўра аниқлашни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий – иқлимий шарт – шароитларга боғлиқлиги ҳосилсизлик, сув тошқини, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар таъсирига қарши корхоналарнинг моддий ва пул заҳира фондларини яратишни тақозо қилади.

1.2. Фермер хўжаликларини тижорат банклари томонидан молиялаштиришнинг назарий асослари

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини молиялаштиришда ўз маблағлари этарли бўлмаган ҳолатларда четдан қарзга маблағлари этарли бўлмаган ҳолатларда четдан қарзга маблағ жалб этишга тўғри келади. Четдан жалб этиладиган қарз маблағлари қуйидаги манбалар эвазига бўлиши мумкин:

1. Тижорат банкларининг кредитлари;

2. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредитлари;
3. Ҳалқаро молия ташкилотларининг маблағлари (тижорат банклари лойиҳалари орқали);
4. Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан кредитлар;
5. Кредит иттифоқлари ва бошқа кредит берувчи субъектлар кредитлари.

Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш улар фаолиятини молиялаштиришнинг энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. У қишлоқ хўжалиги корхонаси ва кредит ташкилоти ўртасида тегишли шартномавий муносабатларни шакллантириш орқали ўрнатиладиган молиявий муносабатдир. Бу муносабатларнинг марказий бўғини кредит шартномаси бўлиб, у ссуданинг таъминланганлиги, кредитлар ўз вақтида фоизи билан қайтарилишининг ҳуқуқий асосларини таъминлайди.

Тижорат банклари томонидан кредит бериш муддатлилик, қайтаришлик, тўловлилик ва таъминланганлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Муддатлилик тамойили шуни билдирадики, кредитлар тақдим этиш муддатига кўра қисқа, ўрта ва узоқ муддатлига ажратилади.

Қисқа муддатли кредитлар, одатда, жорий ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида, нисбатан юқори фоизларда ва бир йилгача муддатда қайтариш шарти билан берилади.

Ўрта муддатли кредитлар бир йилдан беш йилгача муддатга, ишлаб чиқаришнинг хусусияти сарифланган инвестицияларни шу муддат ичида тўла қоплаш имконини берадиган соҳаларга берилади.

Узоқ муддатли кредитлар беш йилдан кўп муддатга, инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун, одатда, ишлаб чиқаришни техник куроллантириш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш мақсадларига берилади.

Қайтаришлик тамойили қарздорнинг кредитни тўлиқ хажмда кредиторга қайтариши бўйича жавобгарлигини аниқлатади.

Тўловлилик тамойилига кўра, кредитлар қарздорга маълум бир фоиз тўловларини тўлаш шарти билан берилади. Қарздорнинг кредитдан фойдаланганлик учун тўлайдиган фоиз тўловлари кредит муассасасининг даромадини ташкил этади.

Таъминланганлик тамойили кредитлаш шартларига кўра, қарздор кредиторга кредитни қайтариш кафолатини таъминлаши лозимлигидан келиб чиқади. Чунки, қарздор кредитни қайтаришдан бош тортганда, кредитор қарздорнинг (ёки унга кафолат, кафиллик берган юридик шахснинг) мол – мулкидан тегишли миқдордаги маблағларни ўз тасарруфига олиш имкониятига эга бўлиш керак. Банклар ўзлари билан доимий алоқага эга бўлган, банк ҳисоб рақмида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга, бу таъминот турларини талаб қилмай, бланкали (ишончли) кредит беришлари мумкин.

Банк кредитлари лойиҳанинг хусусиятига кўра, имтиёзли ёки имтиёзсиз шартларда берилиши мумкин. Имтиёзли кредитлар устивор ёъналишлар учун, одатда, давлат дастурлари доирасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига хизмат қилади.

Айрим ҳолларда давлат қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, аграр соҳада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қисқа муддатли кредитларни қайтариш муддатини узайтиришга имконият яратади. Хусусан, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун айланма маблағларни тўлдиришга бериладиган қисқа муддатли кредитлар, одатда, 1 йилгача муддатга берилса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган бундай кредитлар, одатда, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Аммо, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ўз айланма маблағларини тўлдириш мақсадида, қишлоқ хўжалиги боғлиқ бўлмаган фаолияти учун олинган кредитдан фойдаланиш муддати, уни қайтариш муддати узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, 12 ойдан ошмаслиги керак.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, кредит шартномаси асосида белгиланади.

Кредитларни олиш учун қарз олувчилар банкка қуйидаги ҳужжатлар (кредит пакети) ни тақдим этадилар:

- кредит буюртмаси;
- қарз олувчининг банк ҳисоб варағидаги пул тушумлари тахмини (пул оқими) кўрсатилган бизнес – режаси;
- охириги ҳисобот санасига давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси;
- дебиторлик ва кредитторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, 90 кундан ортиқ, муддатдаги қарздорликнинг солиштира далолатномалари;
- молиявий натижалар ҳақида ҳисобот;
- таъминот шаклларида бири.

Олинган кредитни қайтармаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;
- учунчи шахснинг кафиллиги;
- суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилгани тўғрисидаги суғурта полиси;
- фуқаролар йиғинларининг маҳалла, қишлоқ, овул Кенгашлари кафиллиги.

Кредитларнинг қайтарилиш таъминоти шаклларида бири сифатида мол – мулк гарови хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкый ҳуқуқлар

(талаблар), қимматбаҳо буюмлар, заргарлик буюмлари, эркин айирбошланадиган валюта ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин.

Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, унинг қийматининг 80 фоизи миқдорида, мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молия – кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш биринчи навбатдаимтиёзли кредит бериш механизмини қўллаш ҳамда кафолатлаш жараёнини ривожлантириш билан характерланади. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги “Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги 195-сонли қарори билан тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга фаол қатнашишларини таъминлаш мақсадида имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма маблағлари банклар фойдасининг 25 фоизгача миқдорини ажратиш ҳисобига шакллантирилади.

Тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурсларини кўпайтиришига ёъналтириладиган ва жамғарманинг берилган кредитлари ҳисобига олинган даромадлари даромад (фойда) солиғидан 5 йил муддатга озод қилинади. Тижорат банкларининг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари (денозитлари) нинг кўпайган суммасига камаяди, бунда бўшайдиган маблағларда кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли ёъналтирилиши шарт.

Имтиёзли кредит бериш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигига кредитлар бериш фақатгина юридик шахс мақомидаги деҳқон хўжалиги ва фермер хўжаликларига, муддатлари кредит берилган тадбирларнинг ўзини қоплашга муддатига боғлиқ ҳолда берилади. Чунончи:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликларига, қоидага кўра, камида 2 йил муддатга берилади;

- инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун кредитлар юридик шахс мақомига эга бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига тўлов муддатини кечиктириш ҳуқуқсиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш бўйича кредит берилган кундаги белгиланган ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Кредит шаклларида бири микрокредитдир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Марказий банк ёъриқномаларига кўра, тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликларига бериладиган микрокредитлар деганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит бериладиган кундаги курси бўйича 5000 (беш минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига бериладиган микрокредитлар деганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 10000 (ўн минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Тижорат банклари микрокредитларни қарз олувчиларга шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга берадилар. Микрокредитларнинг 50 фоизигача миқдори 1,5 йил (18 ой) гача бўлган муддатда қайтариш шarti билан нақд пулда берилиши мумкин.

Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, кредит шартномаси асосида, аммо Марказий банк тамонидан расман ўрнатилган, қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади. Имтиёзли кредит бериш жамғармаси ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг микрокредит берилган кундаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредит билан таъминлаш манбалари кенгайиб, бюджетдан ташқари жамғармалар (фондлар) вужудга келмоқда. Бундай жамғармалар ўз олдига кредит бериш орқали юқори даромад олишни мақсад қилиб қўймайди, аксинча, улар иқтисодиётнинг устивор ёъналишларини имтиёзли шартларда кредитлаш мақсадида шакллантиради. Бюджетдан ташқари жамғармалар ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминлашга ёъналтириладиган қисқа муддатли кредитлар беришни амалга оширмайди. Улар асосан, ўрта-ва узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этадилар. Бюджетдан ташқари жамғармалар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошланғич сармоя ва микрокредитлар билан таъминлашда ҳам иштирок этмоқдалар.

Дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантиришга бериладиган кредитлар микрокредит шаклларида бири бўлиб унинг миқдори деҳқон хўжаликлари (юридик шахс мақомига эга бўлган) учун энг кам иш ҳақининг 300 баравари миқдоригачани ташкил этади;

“Бизнес Фонд ”нинг давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобига шакллантириладиган кредит ресурсларининг камида 50 фоизи, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит ресурсларининг камида 50 фоизи ҳар йили микрофирмалар ва кичик корхоналар, деҳқон (юридик шахс мақомига эга бўлган) ва фермер хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун тижорат банкларида мақсадли кредит лизияларини очишга ёъналтирилади.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар фақат янгидан очилган, давлат рўйхатидан ўтганидан кейин 6 ойдан кун бўлмаган даврда кредит олиш учун тегишли буюртмалар берган деҳқон хўжаликларига (юридик шахс мақомига эга бўлган) ва фермер хўжаликларига берилади ва у имтиёзли фоиз ставкаси асосида амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит лизиялари ҳисобидан бериладиган кредитлар учун имтиёзли фоиз ставкаси кредитланаётган

инвестицион лойиҳаларнинг ёъналишидан келиб чиқиб, қуйидаги миқдорларда белгиланади:

-дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдорида;

-деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш учун – Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасини 1/3 қисми миқдорида;

Меҳнат билан бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳамда Деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит лизиялари ҳисобидан берилаётган кредитлар бўйича банк маржаси имтиёзли фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

“Бизнес-Фонд”нинг кредит лизиялари ҳисобидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга берилган кредитлари бўйича банк маржаси белгиланган имтиёзли фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида, бошқа кредитлар бўйича эса, белгиланган имтиёзли фоиз ставкасининг 45 фоизи миқдорида белгиланади. Бунда банк маржаси ўрнатилган имтиёзли фоиз ставкалари миқдорининг ошишига олиб келмайди.

“Бизнес Фонд”кредит линиялари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредитлар лойиҳанинг қопланган муддатидан келиб чиққан ҳолда 2 йилдан 5 йилгача бўлган имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда 10 йилгача бўлган муддатга, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кредит линиялари ҳисобидан 3 йилгача бўлган муддатда берилади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари тҳисобидан бериладиган микрокредитлар, шу жумладан, дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар ҳам, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга бериладиган кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар, қоида тариқасида, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришда хорижий кредит линияларидан фойдаланиш амалиётга кенг кириб келмоқда. Хорижий молия ташкилотлари (ЭТТБ, КФВ, ОТБ, ХМК ва бошқ.) асосан кичик ва ўрта бизнесда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни амалга оширади. Бунинг учун республикада ҳар йили инвестицион дастур қабул қилинади. Дастурнинг асосий хусусияти айрим тармоқларда ва минтақаларда хорижий инвесторлар учун реал амал қилувчи имтиёзлар тизимини яратишдир.

Республикада қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришнинг энг муҳим манбаларидан бири – давлат бюджетидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга ажратиладиган маблағлардир. Бу молиявий қўллаб-қувватлаш давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир қисмини жалб этиш орқали амалга оширилади. Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кўмитасининг махсус жамғарма ҳисоб рақамига тўпланадиган бу маблағларнинг бир қисми ҳар йили кичик бизнес ва

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш “Бизнес фонд”ига ёъналтирилади. Шуниси диққатга сазоворки, “Бизнес фонд” фонд орқали кичик бизнесга ёъналтириладиган давлат бюджети маблағлари имтиёзли шартларда, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган тартибда ўрнатилади. Шунингдек, авваллари давлат тасарруфида бўлган ва давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган кичик корхоналар, тўғридан-тўғри. Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоб варағида жамланадиган маблағлардан имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқига эгадирлар.

1.3. Фермер хўжаликларини молиялаштиришнинг бошқа манбалари

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил топишининг дастлабки босқичида корхонани ташкил этаётган мулкдор ёки агар улар биттадан ортиқ бўлса, муассисларнинг сармояларига таянилади. Одатда, корхона мулкдорлари унинг ташкил топиши жараёнида тўланиши лозим бўлган турли тўловларни ўз сармоялари ҳисобидан амалга оширадilar.

Корхоналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга маблағлар жалб этишда, биринчи навбатда, ўзларида мавжуд мол-мулк ва жамғармаларга мурожаат этишга ҳаракат қиладилар. Чунки, бу корхона мустақиллигини таъминлашнинг энг мақбул ёълиди.

Корхона фаолиятининг сўнгги йилларида ишлаб чиқаишни молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо, бунинг учун корхона жорий ишлаб чиқариш харажатларини қоплашдан ташқари маълум миқдорда фойда олишга ҳам эришмоғи лозим. Дастлабки йилларда корхона иўз қувватларини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида фойданинг аксарият қисмини ишлаб чиқаришга қайта молиялаштиришга ҳаракат қилади.

“Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисидага Низом”га мувофиқ корхоналарда молиявий маблағлар (пул маблағлари) нинг ҳосил бўлиш манбалари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулот сотиш, иш ва хизматлар кўрсатишдан пул тушими;
- асосий фаолиятдан келган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- фавқулодда даромадлар.

Аммо, молиявий маблағларнинг ушбу ҳосил бўлиш манбалари ҳали корхона ихтиёрида қоладиган реал даромад (фойда) ни акс эттирмайди. Чунки, келгусийилда ишлаб чиқаришга жалб этиш мумкин бўлган маблағ фақатгина йилнинг соф фойдаси ҳамда амортизация ажратмалари ҳисобига таъминланиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий натижаларни шакллантириш манбаларини кенгайтириш мақсадида асосий ишлаб чиқариш фаолияти натижаси бўлмиш маҳсулот сотишдан ташқари бошқа фаолият туларини ҳам олиб боришга интиладилар. Хусусан, ёрдамчи хизмат турларидан, ортиқча мол-мулкни сотишдан, давлат субсидияларидан,

ҳомийларнинг холисона ёрдами ва бошқа операцион даромадлар асосий фаолиятдан келган бошқа даромадлар деб юритилади.

Ҳозирги кунда корхоналар бозор иқтисодиётининг муҳим элементи ҳисобланадиган қимматли қоғозлар бозорида ҳам фаол иштирок этиб, даромад олишлари мумкин.

Молиявий фаолиятдан оладиган даромадларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бошқа корхоналар сармоясига улуш қўйиш натижасида келадиган даромадлар;

- акциялар бўйича дивидендлар, облигация ва бошқа қимматли қоғозлардан даромадлар;

- мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш);

- валюта ҳисоб рақамидаги курснинг ижобий фарқланиши ва сарфланган маблағларнинг қайта баҳоланишидан олинган даромадлар.

Айрим ҳолатларда фавқулодда ҳолатлар (сел, жала, ёнғин, эр силкиниши ва ҳ.к.) натижасида кўрилган зарарни қоплаш юзасидан ҳам даромад олиш мумкин ва уни фавқулодда даромадлар деб аталади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришда корхонанинг ички захиралари, яъни ўз молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касбетади. Корхонанинг ички молиявий ресурсларидан унимли фойдаланиш биринчи навбатда корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш ва мавжуд ресурслардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланишни назарда тутаяди.

Ишлаб чиқариш салоҳиятларидан унимли фойдаланиш учун арзон ишлаб чиқариш воситалари, юқори унимли технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш лозим. Бу эса фойда миқдорини кўпайтиришга, умуман, молиявий аҳвол барқарор бўлишга олиб келади.

Корхонанинг ўз молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қуйидаги ёъналишларда бўлмоғи лозим:

- хомашё ва моддий ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш;
- арзон ва юқори унимли технологиялардан фойдаланиш;
- маҳсулот таннархининг арзонлашувига эришиш ва нарх рақобати орқали юқори фойдага эришиш;

- асосий фаолият билан бирга қўшимча тармоқларни ривожлантириш;

- молиявий фонд бозорларида қиммадбаҳо қоғозлар билан савдо қилиш, сердаромад компаниялар акцияларини сотиб олиш;

- амортизация ажратмаларини ишлаб чиқаришни техник қайта куроллантиришга ёъналтириш ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти жорий этилиши билан корхоналарни молиялаштириш манбалари кенгайиб, молиялаштиришнинг янги, ноанъанавий турлари шаклланиб келмоқда. Бунга хусусан, лизинг, фьючерс, факторинг, овердрафт ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини молиялаштиришда лизинг хизматидан фойдаланиш истиқболли ёъналишлардан биридир.

Лизинг – мулкни харид қилишнинг молиялашдан иборат ижара муносабатлари турларидан бири бўлиб, бунда лизинг берувчи лизинг олувчи субъектнинг топшириғига мувофиқ учинчи томон, лизинг объектини ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан ундан ўз маблағи ҳисобига лизинг олувчи учун мулк сотиб олиш таўғрисида шартнома тузиш мажбуриятини олади. Айни пайтда лизинг олувчи субъект зиммасига юқоридаги шартномага биноан лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбурияти юкланади.

“лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги қонуни ҳамда “Фуқоралик Кодекси”нинг 587-моддасида лизингга юқоридагича таъриф берилади. Лизингнинг асосан 2 тури мавжуд:

- 1) оператив лизинг;
- 2) молиявий лизинг.

Оператив лизинг – мулкни унинг хизмат муддатида кам даврга ижарага беришни назарда тутади. Ижара муддати тугагач, мулк эгасига қайтарилади ёки янги лизинг шартномаси объекти бўлиб қолади.

Молиявий лизинг – амалда узоқ муддатли кредитлаштиришнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Оператив лизингдан фарқли ўлароқ, молиявий лизинг мулк узоқ муддатга, одатда, тўлиқ амортизация муддатига ёки унинг катта қисмига ижара шартномаси тузилади. Молиявий лизингда ижара шартномаси тугагач, лизинг объекти лизинг олувчи томонидан сотиб олиниши ёки янги лизингшартномаси объекти бўлиши мумкин.

Лизинг эндигина иш бошлаётган ёки молиявий ҳолати ночор бўлган корхоналар учун ишлаб чиқаришни техник қуроллантиришни молиялаштиришнинг энг қулай воситаларидан бири ҳисобланади. Чунки, бунда банк кредитларидан фарқли ўлароқ, талаб этиладиган кредит қийматининг 120 фоизи миқдоридан гаров кафолати талаб этилмайди. Гаров кафолати сифатида лизингга бериладиган мулкнинг ўзи чиқади.

Лизинг ишлаб чиқаришни техник қуроллантириш ва илғор технологияларни жалб этишга ўз маблағи этишмайдиган корхоналар учун ўзларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айниқса, банк кредитларидан фойдаланиш шартлари оғир бўлган, банклар узоқ муддатли инвестицион лойиҳалар учун кредитлар ажратишни кескин пасайтирган, кредит олиш ҳолатлари лизинг энг самарали молиялаштириш воситаларидан бири бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳозирги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида амалдаги фермер хўжаликларини қишлоқда иқтисодий жихатдан бақувват хўжалик юритиш шаклига айлантириш ва уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хар бир фермер хўжалигининг иқтисодий мустақиллиги охир-оқибатда унинг иқтисодий самарадорлиги асосида шаклланади. Бу соҳада иқтисодий самарадорликнинг яқунловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланган рентабелликнинг тутган ўрни ва ахамияти бекиёс даражада юқоридир. Шу асосда фермер хўжаликларида фойда ҳажмини кескин оширилиши асосида рентабелликни камида 30-35 фоизга кўтарилишини таъминлашни чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга ошириш лозим бўлади.

Бу жараён охир-оқибатда фермер хўжаликлари фаолиятига янги техника ва технологияларни жорий этган холда махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва етиштирилаётган махсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш асосида амалга оширилади. Махсулот рақобат бардошлиги эса унинг сифати ва таннархи асосида таркиб топадиган кўп қиррали иқтисодий категориядир.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Андижон вилоятининг амалдаги фермер хўжаликларида юқорида келтирилган масалаларни муваффақиятли хал этилиши улар фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига тўла мослаштириш асосида фермерлар томонидан қишлоқда ижтимоий-иқтисодий муоммоларни самарали хал этиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон республикаси банк тизимининг бош мақсади жахрн талабига мое келувчи, ривожланган миллий кредит тизимига эга булиш, хужаликлар ва аҳолининг буш турган маблағларини жалб қилиш ва самарали тақсимлаш асосида аҳолининг талабларини қондириш замин яратиш ва яшаш шароити яхшилашга эришитдан иборат. Бу мақсадга эришишни таъминлаш учун давлатимиз томонидан мамлакатимиз банк сеюгорининг ривожланишини таъминловчи зарурий макроия;тисодий шароитларни таъминлаш, банк тизими баркарорлигини таъминлаш. учун банк назорати тизимини ва банклар фаолиятини бошқариш усулларини такомиллаштириш, банкларнинг депозит, кредит, ва инвестиция фаолиятини янада ривожлантиришга эришиш ва банклар уртасида рақобат булишини таъминлашга *асос* яратишдан, нобанк ташкилотлари фаолиятини ривояслантириш, мадия-кредит секторининг хуқуқий базасини яхшилаш, уларнинг моддий –техник жихатидан самарали таъминланганлигига эришиш каби чораларни амалга ошириш кузда тутилган.

Банк тизимини қайта ташкил арялишни амалга ошириш куйидаги тамойилларга асосланган холда олиб борилиши мумкин:

- хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг ишончини қозониш мақсадида банк-молия тизими баркарорлигига эришиш:

- -банк тизимидаги ислохатларнинг умумикггисодий ислохатяарнинг утказилиши билан мос келиши:

- -банк-молия тизими босқичма-босқич такомиллаштириш йули билан жахон банк тизимига яқинлаштириш:

- -пул-кредит сиёсатини олиб боришда мамлакатнинг ички эҳтиёжини ва унинг иқтисодининг хусусиятини ҳисобга олиш:

- -банклар фаолиятида миқозлар манфаатини устун қуйиш ва боишчалар.

Бизнинг заминимизда мавжуд булган банкларнинг ривожланишини икки йирик даврга булиб қараш мумкин. Биринчи давр - бу Ўзбекистон мустақилликка эришгунгача булган даврдаги банк тизими ва иккинчи давр Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги банк тизими ва унинг ривожланиш босқичларини уз ичига олади.

Ўзбекистон мустақиллик эришгунга қ;адар булган банк тизимининг ривожланишини таҳлил қиладиган булсак унинг ривожланишининг қ;уйидаги босқичларини келтириш мумкин:

-биринчи босқич XIX-асрнинг охиридан 1930-32 йилларгача булган даврни уз ичига олади. Бу давр ичида олдинги мавжуд оулган банклар

заминида кредит тизими таъкил нилвди. Бу даврда 30-йилларда иқтисоднинг ривожланишига мубтадил банклар:

-тармоқ банклари, улка банклари, тижорат банклари, махсус банклар, давлат банклари ками банклар фаолкят курсатган.

-иккинчи босқич 1932 йилдан 1959 йилларгача булган даврни уз ичига олади. Бу даврда банклар фаолиятида узгариш юз берди ва банклар вексель оркали кредитлашдан (уша дазрларда бу кредитлаш амалиётда “эгри” кредитлаш деб ном одган) тутридан- тўғри корхоналарни кредитлашга утказилган. Бу даврда уртасидаги вазифалар тақсимланган ва халқ хужалиги сохалари буйича банклар ташкил килинган хамда бу банклар фадат шу создларни узок муддатли кредитлаш ва молиялаштириш билан шутулланган. Давлат банки эса асосан киска муддатли кредитлаш жараёнларини олиб борган.

учинчи босқич 1959 йилдан 1988 йилгача булган даврни уз ичига олади. Бу даврда мавжуд тармоқ; банклари кайта ташкил қилинб, мамлакатдаги барча кредит муносабатларни олиб бориш мақсадида урта банк ташкил вадглинди. Булар Давлат банки, курилиш банки, ташки савдо банки булган. Давлат банки халқ хужалигининг барча сохаларига (фақат кишлок хужалигининг баъзи эҳкиёжалари учун узок-к, муддатли кредитлар берган) киска муддатли кредитлар бериш билан шутулланган. курилиш банки капитал қўйилмалар билан боғлиқ булган харажатларни , курилишни молиялаштириш, узок, муддатли кредитлар бериш билан боғлиқ операцияларни бажарган. Ташвуг савдо банки Москвада жойлашган бўлиб, мамлакатнинг экспорт- импорт билан боғлиқ фаолиятини бошқариб борган. -туртинчи босқич банк тизимини найта ташкил қилиш даври булиб, у 1988 йилдан 1991 йилгача булган даврни уз ичига олган. Бу даврда банк тизимида катта узгаришлар руй берди ва давлат банки билан бир каторда махсус тармоқ; банклари ташкил килинди.

Булар саноат -курилиш банки, агросаноат банки, уй-жой аурилиш ва ижтимоий таъминот банки, жамгарма банк ва ташки ив;тисолий фаолият банки. Бу банклар фаолиятининг хусусиятли томони шунда эдики, улар узи хизмат курсатадиган соцага узок, ва киска муддатли кредитлар бериш хукукига эга эдилар.

Давлат банкидан кредитлаш функцияси олиб ташланди ва у эмиссион банк сифатида фаолият курсатадиган булди.

90- йилларда банк тизимини кайта ташкил қилишдан асосий мақсад мамлакатда юз бераётган асосий узгаришларни қисобга олган шолда банклар зиммасига корхоналар ва ташкилотларга комплекс хизмат курсатишни таъминлаш ва корхоналар билан банклар уртасидаги муносабатларни хужалик хисобига утказиш, куйи банк муассасаларининг хукук ва мажбуриятларини оширишдан иборат эди.

Албатта, бу бозор иқтисодиётига илк кадамлар занга куриш шарофати билан бозорга хос баъзи бир белгиларни тоталитар интисодиётга татбиқ этилиши билан тушунилади. Бу жараёнда банк тизимининг ташкилий структурасини узгартириш, банкларни ролини ошириш, иқтисодий тизимни

ривоясланишига уларнинг таъсири кучайтириш, кредитни шаракатдаги иқтисодий дастакга айлантириш ўзда тутилганди.

Банк тизимининг ривожланишининг иккинчи даври асосан Ўзбекистон мустақилликга эришгандан кейинги даврни уз ичига олади. Бу даврни к;уйидаги боскичларга булиб тахлил килиш мумкин:

-мустақил Ўзбекистон банк тизimini ташкил қилишнинг биринчи боскичи. Бу 1991-1994 йилларни уз ичига олади.

Ўзбекистонда икки звеноли банк тизimini ташкил қилишга 1988 йилдан бошлаб киришилган булсада, бу макрадининг тулздқ амалга оширилишига шароит 1994 йилдан бошлаб юзага келди-Бу даврга келиб Марказий банкнинг ташкилий таркибий асоси, фаолият олиб бориш услуби ўзгарди, тижорат банкларнинг сони ва улар бажарадиган операциялар салмоги ошиб борди.

Банк тизimini ташкил қилишнинг биринчи боскичида марказлашган режалаштиришда Марказий банкнинг роли аввали хам юкори эди, сохаларнинг деярли хамма кисми давлат тасарруфида эди.

Ўзбекистон Республикасида икки боскичли банк тизimini ташкил эташга реал асос булиб 1991 йил 15 февралда “Банклар ва банк фаолияти тугрисидаги” конун хисобланади. Бу конунга биноан давлат бошқарув органлари республика Марказий банки фаолиятига аралашмасликлари керак, у факат Республика олий мажлисига х,исобот бериши уринли эканлиги белгилаб берилди. Бу конунни амалга татбиқ; этиш асосан Республикамиз уз мустақиллигини к;улга киритгандан сукг бошланди.

Кайта ташкил этиш жараёнининг биринчи босдочада давлат банкларини янги етруктурасини ташкил этиш бошланди. Кайта ташкил этиш модели куйидагиларни уз ичига олди:

-икки боскичли банк тизimini вужудга келтириш: Марказий эмиссион банк ва бевосита хужаликларга хизмат курсатувчи ихтисослашган оанкларни ташкил қ;илиш:

-ихтисослашган банкларни тулалигича хужалик хисобига ва уз-узини молиялашга утказиш:

-иқтисодий тизим доирасида хукукий ва жисмоний шахслар билан буладиган кредит муносабатлари услублари ва шаклларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ўзбекистонда банк тизimini ташкил қидишнинг иккинчи боскичи 1994 йилдан кейинги даврни уз ичига олади. Бу даврда банк тизимиэлизнинг такомиллашган фаолиятини белгилаб берувчи банк конунлари: 1995 йил 21 декабрда “Ўзбекситон Республикаси Марказий банки тутрисида”ги ва 1996 йил 25 апрелда “ Банклар ва банк фаолияти тугрисида” ги конунлар қабул гқилинди. Бу конунларга асосан банклар фаолиятининг хук;уд;ий асослари белгилаб берилди ва уларнинг ишлаш усулларини такомиллаштириш чоралари ишлаб чтодолди.

Тижорат банкларнинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида банк назорати ва мониторингини амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини боццариш усулларини такомиллаштириш ва халқаро талабларга мосдаш, янги счетлар тизимига утиш, чет эл банкларининг шуъбаларини очиш, тулов

тизимини такомиллаштириш, тижорат банкларнинг кимматбаҳо коғозлар билан операцияларини ривожлантириш, пул ва валюта бозорида банкларнинг актив фаолиятини таъминлаш каби долзарб масалалар ҳозирги кунда мустақил банк тизимининг ривожланиши туфайли уз ечимини топмоқда.

Мустақил банк тизимини вужудга келтиришнинг иккиичи босқичининг хусусиятларидан бири шундаки, 1995 йилдан ботлаб Ўзбекистонда махсус нобанк кредит ташкилотлари ташкил қилина бошланди. Бозор иқтисодига утишни тезлаштириш, корхона ва ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш мақсадида махсус молия-кредит институтлари -“Бизнес-фонд”, “Мадад” суртурта компанияси, “Ўзбекинвест” миллий сууртурта компанияси, хусусийлаштириш инвестицион фондлари ва бошқалар ташкил қилиниши республика банк - молия тизимининг замоналашувини тезлаштирмоқда.

3.2. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларини молиявий ва иқтисодий борқарорлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш истиқболлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотлар жараёни ўзининг иқтисодий эркинлаштириш босқичини ўтамоқда. Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар натижасида туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан,

- иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг мукамал ҳуқуқий асослари яратилди;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мулкчилик ва унга мос ҳолда хўжалик юритиш шакллари барпо этилди, тармоқда истиқболли хўжалик юритиш шакли сифатида фермер ва деҳқон хўжаликларини фаолият юртиши учун оптимал шарт-шароитлар яратилди;

- қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш муносабатлари такомиллаштирилди;

- аҳолини ўзимизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб боришга қаратилган мустақил аграр сиёсат ишлаб чиқилди ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда;

- маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва хизмат кўрсатишда бозор тамойиллари самарали амал қилмоқда.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай жамиятда иқтисодий ислох қилиш иқтисодий дастаклар орқали амалга оширилади. Мазкур дастаклар ичида молия-кредит тизимини ислох қилиш амалиёти муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини кредитлаш тизимини бозор муносабатлари талабларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали молиялаштиришнинг асосий шарти ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигини кредитлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- амалдаги фермер ва деҳқон хўжаликларини кредит олиши учун ўзининг айланма маблағлари ва гаровга қўядиган мулкнинг етишмаслиги;


- кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи амалдаги фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида таваккалчилик даражасининг юқорилиги ва аксинча гаров мажбуриятларининг кучсиз эканлиги сабабли тижорат банклари томонидан уларни кредитлаш салмоғининг пастлиги;
- фермер хўжаликларини ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ва бўлғуси ҳосилни гаровга қўйган ҳолда кредит олиш механизмини амалда тўлиқ ишламаслиги;
- халқаро кредит линияларини жалб қилиш бўйича қўйилган талабларга асосан фермер ва деҳқон хўжаликларида лойиҳа ҳажмининг 25 фоизига тенг хусусий капиталнинг етишмаслиги;
- фермер ва деҳқон хўжаликларида лойиҳа ҳажмининг 120 фоизига тенг миқдордаги гаров мулкунинг йўқлиги;
- хорижий инвесторлар кредит линиялари бўйича энг кам кредит миқдори 50 минг АҚШ долларини ташкил қилиши сабабли, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан шу миқдоргача бўлган асбоб-ускуналарни кредит орқали харид қилиш имкониятига эга эмаслиги ва бошқалар.

Шу билан бирга республикада шаклланган тадбиркорлик субъектларини тижорат банклар томонидан кредитлашнинг амалдаги тизими кишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер ва деҳқон хўжаликларини бошқа тармоқлардаги тадбиркорлик субъектлари билан тенг шароитга қўймоқда. Яъни, саноат йўналишидаги кичик корхоналарда тижорат банкларидан олинган кредитларнинг қайтими қисқа муддатларни ташкил этиб, уларда фоиз ставкаларини (қарзларни) тўлаш имконияти мавжуд. Аммо, фермер ва деҳқон хўжаликларида маҳсулот етиштириш жараёни мавсумий характерга эга эканлиги боис ишлаб чиқаришга сарфланган молиявий маблағлар қайтими (даромад олиши) йил якуни билан боғлиқ. Чорвачилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар эса 2-3 йилдан кейингина даромад олиб, сарфланган харажатларни, шу жумладан банк кредитларини ёки кредит фоизларини қайтариш имкониятига эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кишлоқ хўжалигини кредитлаш тизимини назарий асосларини такомиллаштиришда фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида кредитдан фойдаланишнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари асосидаги заруриятига алоҳида ёндошиш талаб этилади (-расм).

Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлашнинг объектив зарурлигини ифодаловчи омиллар.

1-расм.



Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлаш тизимини такомиллаштирилиши моҳияти ва аҳамиятига кўра бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган қуйидаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалаларни ижобий ҳал этиш имконини беради (-расм).

**Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлашни
такомиллаштиришнинг ижобий жиҳатлари.**

2-расм.

Мохияти ва аҳамияти	Эришиладиган натижа
Иқтисодий жиҳатдан	Қишлоқ хўжалигини барқарор суръатларда ўсишини таъминлайди.
	Саноатни хомашёга ва аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга эришилади.
	Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларида маблағ тақчиллигига барҳам берилади ва улар ўртасида рақобат муҳитини юзага келтириш имконияти яратилади.
	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмига мувофиқ валюта тушумини кўпайтиришга эришилади.
	Қишлоқ хўжалигини янги самарали, ресурс тежовчи техника ва юқори технологиялар билан таъминлашга эришилади.
	Давлат бюджетининг даромадлар қисмига тушумлар кўпаяди.
	Фермер ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги таъминланади.
Ижтимоий жиҳатдан	Қишлоқ ҳудудларида янги иш жойлари ташкил этилади ва қишлоқ аҳолисини донмий иш билан бандлик даражаси ортади.
	Аҳоли даромадларининг ортиши туфайли, уларнинг ижтимоий хизматлар ва озик-овқат маҳсулотларига бўлган тўлов қобилияти ортади.
	Аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланади.
	Фермер ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий аҳволи яхшиланиши қишлоқда ижтимоий барқарорликни таъминлайди.
	Фермер ва деҳқон хўжаликларининг нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланади.
Экологик жиҳатдан	Бозор муносабатлари шароитида кредитлаш тизимининг ҳуқуқий-ташқилий асосларини такомиллаштириш имкони яратилади.
	Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.
	Сув ресурсларини сақлаш ва инфосланишининг олдини олишга эришилади.
	Экологик жиҳатдан тоза маҳсулот ишлаб чиқариш рағбатлантирилади. Минерал ва кимёвий воситалардан фойдаланиш меъёри камайиши, биологик воситалардан фойдаланиш даражасининг ортиши рағбатлантирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида амалдаги фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларни тақлиф этамиз:

1.Маҳсулот етиштириш харажатларини қоплаш ва айланма маблағларни тўлдиришни молиялаштириш ва кредитлаш йўналиши бўйича,

- фермер ва деҳқон хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар асосан етиштирилаётган маҳсулотни гаровга қўйган ҳолда 12-18 ой муддатга, имтиёзли фоиз ставкалари асосида, қайта молиялаштириш ставкаларидан юқори бўлмаган ҳолда берилишини таъминлаш;
- фермер ва деҳқон хўжаликларини ўз маблағлари билан банк маблағларини шерикчилик асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш ҳамда кредитларнинг устама фоизларини маҳсулот билан олиш (тўлаш) орқали фермер хўжаликларини кредитга бўлган талабини қондириш учун қишлоқ жойларда кредит уюшмаларини ташкил этишни рағбатлантириш;
- давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини ва ушбу маблағлардан фермерларни эркин фойдаланишини таъминлаш асосида қишлоқ хўжалик

корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи тармоқларни молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилашни рағбатлантириш.

2. Асосий воситаларни тиклаш, техника ва асбоб-ускуналар харид қилиш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришни кредитлар билан таъминлаш йўналиши бўйича,

- тижорат банклари томонидан АСМга ажратилаётган узоқ муддатли кредитларни 40 фоизини қишлоқ хўжалиги корхоналарига, 30 фоизини қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминловчи тармоқ корхона-ларига (АСМнинг 1-соҳаси), 30 фоизини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва тайёрловчи корхоналарга (АСМнинг 3-соҳаси) берилиши мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда кредит маблағларини соҳалар бўйича ажратилиши турлича бўлиши мумкин. Аммо, мавжуд ҳолатни ҳисобга олиб, таклиф қилинаётган нисбатда ажратилиши қуйидаги афзалликларга эга бўлади. АСМнинг 1-соҳасини имтиёзли кредитлар билан таъминланиши қишлоқ хўжалигини нисбатан арзон техника воситалари ва ускуналари билан таъминлаш, АСМнинг 3-соҳасига имтиёзли кредит ресурслари ажратилиши қишлоқ хўжалиги томонидан сотилган маҳсулотлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, маҳсулотларни баҳосини деҳқон ва истеъмолчи зарар кўрмайдиган даражада ушлаб туриш, мавжуд хомашёни юқори технологиялар асосида қайта ишлаш имконини беради;

- хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, фермер ва деҳқон хўжаликларини узоқ муддатга ижарага ва умрбод фойдаланишга ер майдонига бўлган ижара ва эгалик ҳуқуқини ҳамда мол-мулкни гаровга қўйган ҳолда узоқ муддатли махсус кафолатланган йиллик фоизлари пасайтирилган (10-12 фоиз) кредитлаш механизминини жорий қилиш зарур. Кафолатланган кредитлар муддатлари – ресурслар сотиб олиш учун 7 йил, машина-ускуналар, техника сотиб олиш, илғор технологияларни жорий қилиш, асосий воситаларни тиклаш учун 15 йил ва кўчмас мулк сотиб олиш ёки қуришга 30 йил қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

3. Ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригация-мелиорация тизимларини таъмирлаш учун кредит ресурслари ажратиш йўналиши бўйича,

- фермер ва деҳқон хўжаликлари ерларини мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва ирригация-мелиорация тизимларини таъмирлашга узоқ муддатли (12-15 йил), имтиёзли (8-10%) кредитлар ажратишни таъминлаш лозим. Кредитни қайтариш муддатларини янги ўзлаштирилган ерлар учун 5-йилдан, мелиоратив ҳолати яхшиланган ва ирригация-мелиорация тизимлари таъмирланган ерлар учун 3-йилдан бошлаб белгиланиши мақсадга мувофиқ;

- ерларнинг унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли кредит ресурсларини фермер хўжаликларига тўғридан-тўғри жалб этиш тизимини самарали ташкил этиш лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва кредитлаш тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда такомиллаштирилиши амалдаги фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш, ишлаб чиқараётган

маҳсулоти хажмининг ортиши, сифатини яхшиланиши асосида маҳсулот рақобатбардошлиги ортади ва охир-оқибатда мазкур субъектларнинг иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага етказиш имконияти шакллантирилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов «Узбекистон XXI асрга интиломқда» номли китобларида: "Яқин келажакда кичик ва хусусий бизнес - республиканинг ишлаб чиқариш ва экспорт тизимларида - иқтисодиётнинг ҳаракатчан, осон ўзгартириладиган соҳаси сифатида етакчи ўринни эгаллашига эришиш лозим" - деб таъкидлаган эдилар. Кичик бизнес ва яқка тадбиркорликни бундай ҳолатига эришиш учун молиялаштириш катта аҳамият касб этади. Бу йўсинда республикамизнинг банк тизими, шу жумладан тижорат банклари фаолиятининг ўрни беқиёс.

Бажарилган битирув малакавий ишимизда биз шу хулосага келдикки, Узбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳатлар дастурининг босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилиши, республикада барқарор ва самарали ишловчи фермер хўжаликда банк хизматларини кўрсатиш янада ривожлантиришга замин яратади.

Иилдан йилга шаклланиб келаётган кичик бизнес ва яқка тадбиркорлик соҳаси ва минглаб хўжалик субъектларини фаолиятини ривожини учун Республика банк тизимини янада барқарор ва самарали фаолият кўрсатишини ва қуйидаги асосий вазибаларини бажарилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

а) банклар фаолиятида корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш; б) республикамиз банклари фаолиятини жаҳон банки фаолиятига яқинлаштириш ва уларни халқаро молия бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш; в) банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ҳамда уларни молиявий жиҳатдан қўллаб - қувватлашнинг янги шакллари жорий этиш ва бошқалар киради.

Бизнинг диссертациямизда, айниқса в) пункти бўйича муаммолар ва масалаларнинг ечими атрофлича ўрганиб чиқилган ва тегишли хулосалар билдирилган.

2. Ҳозирги даврда республикада узоқ муддатли молиялаш (кредитлаш) салмоғи жуда ката. Бу молиялаш жараёнини самарадорлигига салбий таъсир этмокда. Бу борада магистрлик диссертациямизда таъкидланадики - узоқ муддатли кредит маблағларни самарали ишлатишнинг энг мақбул усули - бу уларни кичик кредитлар (микрокредитлар) сифатида ишлатишдир.

Диссертацияда кўрсатилишича — айниқса кичик ва яқка тадбиркорлик бизнес субъектларини микрокредитлаш тижорат банкларининг кредит механизмдаги родини кучайтиришга кенг имкониятлар яратади.

Бу усул қуйидаги афзалликларга эга эканлиги диссертация исботланмокда:

- узоқ муддатли кредит маблағларни танқислиги шароитида микромолиялаш орқали банкларнинг мавжуд маблағлари ҳисобига кўпроқ миқдорларни кредитлашга имконият туғилмокда;

- кичик ва хусусий тадбиркорлик, бизнес субъектлари ҳали етарлича тараққий этмаганлиги, айниқса уларни кредитни қайтариш кафолатлари етарли

бўлмаганлиги сабабли микрокредитлаш тижорат банкларига юқори таваккалли кредитлар беришда нисбатан кам зарар кўриш эҳтимолини олиб келмокда.

Республикадаги мавжуд тижорат банкларини микрокредитлаш механизми ҳали кўп камчиликларига эгалиги магистрлик диссертациямизда алоҳида қайд этилган.

3. Республика банк тизимининг ажралмас субъектлари - тижорат банклари характеристикалари билан биргаликда - ўз фаолиятини эндигина бошлаётган нобанк ташкилотларида - микромолиялаш масалалари ҳам атрофлича ўрганилади ва хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида уларни тезкор равишда ривожлантиришга катта эътибор берилганлиги қайд этилган.

Энг эътиборли тарафи шундаки - дунёда энг ривожланган давлат - Америка Қўшма Штатларида ҳозирги кунда 10 ОООга яқин нобанк (кредит) иттифоқлари 100 млн. шахсга микромолиялаш механизмини самарали хизматлари тегаётгани тадқиқотда алоҳида кўриб чиқилган. Ҳақиқатдан ҳам, АҚШ кредит бозори 10% гача нобанк ташкилотларига тўғри келиши ва кучли рақобатда - тижорат банклари ва бошқа молиявий институтлар билан тенгма-тенг кураш олиб борилаётгани ҳақида диссертациядаги жадваллар маълумот берапти.

4. Кредит иттифоқлари ва бошқа молиявий нобанк ташкилотлари кичик бизнес ва яқка тадбиркорларга микрокредит хизматлари кўрсатишлари, мамлакатимизда уларни тараққий этиш ва жаҳон мамлакатлари тажрибаси асосида уларни ташкил этиш ва ривожлантириш муаммолари диссертация бўлимларида кенг ифодаланган.

Ўзбекистонда ривожланган давлатлардаги каби махсус кредит муассасаларининг асосий шакллари таркиб топгани, аммо уларнинг кредит механизмдаги роли етарли эмаслиги кўриб чиқилган.

Бозор талабига жавоб берадиган кредит тизимини яратиш энг аввало нобанк, махсус кредит муассасалари фаолиятини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришни талаб этади. Яъни, тадбиркорларни нобанк кредит муассасалари орқали кредит билан таъминлаш механизми қуйидаги йўналишларда такомиллаштирилиши лозимлиги диссертацияда белгилаб берилган:

- банкдан ташқари кредит муассасаларининг кредитлаш соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштирадиган (марказий банк туридаги) ягона муассаса ташкил этилиши лозим. Шундагина нобанк кредит тизими банкларга рақобатчи бўла олади;

- нобанк кредит муассасалари фаолиятининг қонуний асоси такомиллаштирилиши, «Нобанк кредит муассасалари тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизда тез фурсатда қабул килиниши ва шу асосда тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ҳамда ушбу тизимнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўғинни ва тизимга хизмат қилувчи инфратузилмани яратиш лозимлиги тадқиқотимизда асосланган.

5. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда муаллиф ўз тадқиқотида банкдан ташқари кредит муассасаларининг кредитлаш соҳасидаги фаолиятларини - мамлакатимизда замонавий кредит иттифоқлари асосида олиб

борилиши, уларни ташкил этиш имкониятлари ва ривожлантиришни ўзига хос моделини яратишни тавсия этган. Шу моделни асосий тамойиллари, тижорат банкларидан фарқи, дунёда тараққий этган микрокредитлаш типологияларидан фойдаланишдаги масалалар юзасидан тегишли назарий ва амалий таклифлар билдирилгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. O‘zbekiston Respublikasi qonunlari

1. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, «Халқ сўзи», - Кундалик газета, - Т.: 11 апрель, 2002й. ва «Кредит уюшмалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», Халқ сўзи рўзномаси, 5 апрел 2006 й.
2. Ўзбекистон Республикаси " Корхоналар тугрисида" ги қонуни ."Халқ сузи" газетаси.1991 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси " Тадбиркорлик тугрисида" ги қонуни ."Адолат" газетаси.1992 йил.
1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида".- Т.: "Ўзбекистон" нашриёти, 1991 йил 19 ноябр.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида". – Т.: "Ўзбекистон" нашриёти, 1991 йил 15 февраль
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа контсерни. 1998.2-том.390-394б.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Ер Кодекси". Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа контсерни. 1998. 1-том.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Фермер хўжалиги тўғрисида". Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа контсерни. 1998. 1-том.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Деҳқон хўжалиги тўғрисида". Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа контсерни. 1998. 1-том.
7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) хўжалиги тўғрисида". Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа контсерни. 1998. 1-том.
8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Ижара тўғрисида". Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир Қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа контсерни. 1998. 1-том.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ИИ-чакириқ 15-сессияси. Янги таҳрирдаги "Фермер хўжалиги тўғрисида" ги Қонуни. 2004 йил. 26 август.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Қишлоқ хўжалиги соҳасини иқтисодий рағбатлантириш ва еркинлик бериш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси фармонлари ва қарорлари.-Т.: Ўзбекистон, Учинчи китоб. 1995й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "Пахта нархини шакиллантириш механизими тўғрисида"ги. 2002 йил 20 август
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим ёъналишлари". 2003 йил 24 март.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Контсепцияси тўғрисида". 2003 йил 27 октябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меёрий ҳужжатлари

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. “2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктураси ривожлантириш дастури тўғрисида”.-Т.:1996 йил 21 май.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 65-сонли қарори. “Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун ҳисоботлар юритилишини қисқартириш ҳамда соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги. 2000 йил 23 февраль.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 347-сонли қарори. “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги. 2001 йил 22 август.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 383-сонли қарори. “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2002 йил 7 ноябрь.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 383-сонли қарори. “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 4 сентябрь.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 486-сонли қарори. “Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 5 ноябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

20. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз. 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор ёъналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқ. ”Қишлоқ ҳаёти” рўзномаси, 2000 йил 11 февраль.

21. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш-бош ёълимиз. 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларни боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқ.”Қишлоқ ҳаёти” рўзномаси, 2002 йил 15 февраль.

22. Каримов И.А. “Ислохотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир”. 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий ёъналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Қишлоқ ҳаёти, 2003 йил 18 февраль.

23. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. 2005 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор ёъналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқ. “Халқ сўзи” рўзномаси, 2006 йил 11 февраль.

24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

25. “2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг

энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

26. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2011. 27 б.

5. Дарсликлар

27. Ҳақимов Р. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. Дарслик.-Т.: Иқтисодиёт, 2007.-364 б.
28. А.Абдуғаниев, А.А.А. Абдуғаниев Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик.-Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғурмаси нашриёти 2006, 288 б.
29. Жўраев Ф. – Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш – (дарслик) – Т.: “Истиклол”, 2004 – 343 б.
30. Зокиров О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ЎзАЖБНТ, 2003. – 396 б.
31. Экономика отраслей АПК/ И.А.Минаков, Н.И.Куликов, О.В. Соколов и др.; Под ред. И.А. Минакова. –М.: КолосС, 2008. -464 с.
32. Серова Е.В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЕ, 2007 – 480 с.

6. Ўқув қўлланмалар

33. Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства: Учебник. – М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2000-326 с.
34. Гаил Л. Срамер, Сларенсэ В. Женсен, Доуглас Д. Соутхгате. Жр. Агрисултурал экономисс анд агрибусинесс. – Нью Ёрк, 2001. – 519 паге.
35. Ҳақимов Р., Отақулов М., Юсупов М. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – (ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004.-160 б.
36. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Ҳақимов Р.Х., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти – (ўқув қўлланма) – Т.: 2004. – 176 б.
37. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳақимов Р.Х., Ўроқов Н.И. Арипжв И.М. Жаҳон хўжалиги (ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004 – 128 б.
38. Абдукаримов Б.А., Жабриев А.Н. ва б. Корхона иқтисодиёти.-Т.: “Фан” нашриёти, 2005 йил.
39. Муҳитдинов Х.С., Раҳматуллаев А.И., Мейликов Й.Р. Фермер хўжаликлари молияси. –Қ.: “Насаф”. 2005 йил.
40. Ёдгоров Ж., Сиддиқов З. ва б. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни ҳуқуқий ва меъёрий асослари.-Т.: ТошДАУ нашр таҳририяти бўлими. 2001 йил.

7. Статистика тўпламлари маълумотлари

41. Инвестиции республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009. – 148 с
42. Промышленность республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009. – 156 с.

8. Интернет сайтлари

43. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати расмий веб сайти www.gov.uz
44. www.lex.uz
45. www.uzex.com
46. www.uzmarkaz.com
47. www.mf.uz
48. www.cbu.uz
50. www.soliq.uz
51. www.stat.uz
52. www.bank.uz

53. www.bankir.uz
54. www.cfin.ru
55. www.ziyokor.uz
56. www.finance.ru
57. www.menegment.ru
58. www.gov.uz
59. www.bis.org